

ИЧКИ ИШЛАР ОРГАНЛАРИ ХОДИМЛАРИДА КОРРУПЦИЯВИЙ ХУЛҚ-АТВОР ШАКЛЛАНИШИНИНГ ЎЗИГА ХОС ХУСУСИЯТЛАРИ ВА БАРТАРАФ ЭТИШ ЙЎЛЛАРИ

*Асланов Бобур Тухтаевич**

Аннотация. *Мазкур мақолада ички ишлар идраларига қабул қилинаётган номзодларни танлов асосида қонуний қабул қилиб боришлигини, номзодлар ичидан коррупциявий хулқ-атвори шакланган фуқароларни ажратиб олиш кераклиги, ички ишлаор органларига қабул қилиш жараёнига аралашиш ва таниш-билишчилик каби коррупциявий ҳолатларга чек қўйиш лозимлиги, ёш ходимлар томонидан йўл қўйилаётган камчиликлар ва унинг муоммолари ҳақида ёритиб берилган.*

Таянч тушунчалар: *ички ишлар, коррупция, номзодлар, ватанпарварлик, коррупциявий хул-атвор, ҳуқуқий оқибатлар; вазифалар; чора-тадбирлар; такомиллаштириш; таклифлар, муоммолар, ташиқил этиши.*

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев “Биз таълим ва тарбия тизимининг барча бўғинлари фаолиятини бугунги замон талаблари асосида такомиллаштиришни ўзимизнинг биринчи даражали вазифамиз деб биламиз” деганларида фарзандларимизни болалигидан покни нопокдан, ҳалолни ҳаромдан фарқлашга ўргатишни назарда тутди ва ёш авлод тарбияси ҳақида гапирганда, Абдурауф Фитрат бобомизнинг қўйидаги фикрларига ҳар биримиз, айниқса, энди ҳаётга кириб келаётган ўғил-қизларимиз амал қилишлари лозимлигини таъкидлайди: “Халқнинг аниқ мақсад сари ҳаракат қилиши, давлатманд бўлиши, бахтли бўлиб иззат-ҳурмат топиши, жаҳонгир бўлиши ёки заиф бўлиб хорликка тушиши, бахтсизлик юқини тортиши, эътибордан қолиб, ўзгаларга тобе ва кул, асир бўлиши уларнинг ўз ота-оналаридан болалиқда олган тарбияларига боғлиқ деб айтганлар.

Шунингдек 2022 йил 20 декабр куни Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлисга ва Ўзбекистон халқига мурожаатномасида энг долзарб муаммо бўлган коррупция масаласига алоҳида тўхталиб ўтдилар яъни ўз сўзида “ўтган икки йилда 5 мингга яқин мансабдор коррупциявий жиноятлар бўйича жавобгарликка тортилди. Лекин, очик айтиш керак, бу – масаланинг сабаби билан эмас, оқибати билан курашиш”, керак - деб таъкидладилар.

* Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси ва Криминалогияси кафедраси ўқитувчиси

Ундан ташқари, мурожаатномада давлат раҳбари депутат ва сенаторлар, маҳаллий Кенгашлар ҳам бонг уриб, аниқ соҳаларни таҳлил қилиб, коррупцияни бартараф этиш бўйича фаол бўлишга чақирди, бунинг учун уларда етарли ваколат ҳам, шижоат ҳам борлигини ҳамда сунъий монополияга, ёпиқ схемаларга, умуман коррупцияга имкон берувчи барча бўшлиқларга барҳам берилиши ҳақида таъкидланди[1].

Мамлакатимизда коррупциянинг олдини олиш ва унга қарши муросасиз курашишнинг илғор халқаро стандартларга асосланган тизимини жорий этиш бўйича изчил чоралар кўрилмоқда.

Давлат органлари ва ташкилотларининг фаолиятида очиқлик, ошкоралик ва шаффофликни таъминлаш ҳамда мансабдор шахсларнинг аҳоли олдидаги ҳисобдорлигини йўлга қўйиш орқали давлат бошқарувида самарали ва таъсирчан жамоатчилик назоратини амалга ошириш учун зарур шароитлар яратилди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 7 июлдаги “Коррупцияга қарши курашиш фаолиятини самарали ташкил этишга доир қўшимча чора тадбирлар тўғрисида”ги Қарори билан Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 6 июлдаги «Коррупцияга қарши муросасиз муносабатда бўлиш муҳитини яратиш, давлат ва жамият бошқарувида коррупциявий омилларни кескин камайтириш ва бунда жамоатчилик иштирокини кенгайтириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПФ-6257-сон Фармониға мувофиқ ҳамда коррупцияга қарши курашиш бўйича чора-тадбирларнинг амалга оширилишини самарали ташкил этиш мақсадида, 2021 йил 1 сентябрдан бошлаб давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари, давлат унитар корхоналари ва муассасалари, давлат улуши 50 фоиздан юқори ташкилотларда (кейинги ўринларда – давлат органлари ва ташкилотлари) ишга қабул қилишни очиқ танлов асосида амалга ошириш ҳамда танлов доирасида ўтказиладиган синов тадбирларини Интернет тармоғи орқали реал вақт режимида кузатишни назарда тутувчи тартиб жорий этилиши белгиланди[2]

Коррупцияга оид ҳуқуқбузарликлар давлат бошқаруви, жамият тараққиёти ва инсон манфатиға жиддий салбий таъсир кўрсатувчи ҳодиса бўлиб, бу нафақат миллий, халқаро хавфсизликка ҳам жиддий таҳдид солувчи реал манбадир. Сўз юритилаётган иллатнинг ички ишлар органларида кузатилиши мавжуд хавфни бир неча баробар ошишиға сабаб бўлади.

Инсоният ривожланиши билан ўша иллатлар ҳам ривожланиб, ўзининг янги қирраларини намоёиш қилмоқда. Шундай ижтимоий салбий иллатлар сирасиға коррупцияни ҳам киритамиз. Коррупция билан боғлиқ жиноятлар хавфлилик даражасиға кўра фақат ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларни эмас, балки давлат раҳбарларини ҳам ташвишға солмоқда. Биринчи Президентимиз Ислон Каримов коррупциянинг моҳиятини қуйидагича изоҳлаган: “Коррупция

мамлакатнинг сиёсий ва иқтисодий йўлига ҳамда аҳолининг аксарият қисмига тузатиб бўлмайдиган зарар етказди. Бундан ташқари, янги иқтисодий муносабатларга эндигина асос солинаётган ва сифат жиҳатидан бошқа сиёсий тизим шакллантирилаётган ўтиш даврида коррупция ўз хатти-ҳаракати билан бу жараённинг йўлини тўсиб қўйиш имконига эга” деб бежиз айтмаганлар.

2020 йилда Республика жамоат фикрини ўрганиш маркази томонидан “Коррупцияга қарши курашиш тўғрисида жамоатчилик фикри” мавзусида сўров ўтказилди.

Кўпчилик респондентлар (83,2 фоиз) мамлакатда коррупция мавжудлигини эътироф этган ҳамда коррупция давлат органлари томонидан қабул қилинадиган қарорларнинг самарадорлигига салбий таъсир кўрсатади, фуқароларнинг, айниқса, ёшларнинг маънавий-ахлоқий ҳолатига зарар етказди, аҳолининг давлат органларига ва адолатга ишончини пасайтиради, деб ҳисоблайди.

Ҳамда 66,1 фоизи фуқароларнинг фикрига кўра, Ўзбекиситон Коррупциянинг тарқалиши юқори даражада бўлган мамлакатлар тоифасига кирмайди. Фуқаролар фикрича, бу кейинги йиллар давлат бошқаруви соҳасида амалга оширилаётган ислохотлар, фуқаролар томонидан давлат хизматларидан фойдаланиш амалиётининг соддалаштирилиши ва жадаллаштирилиши, маъмурий тўсиқлар бартараф этилиши, давлат қарорлари қабул қилинишининг очиқлиги, мансабдор шахслар жавобгарлигини кучайтирилиши, шунингдек коррупционерларни фош қилиш жараёни янада ошқора тус олаётгани ва оммавий ахборот воситаларида кенг ёритилаётгани билан боғлиқдир.

Шунингдек иштирокчиларининг 32,4 фоизининг фикрича, коррупциявий ўзаро муносабатлар фуқароларнинг ишга жойлашиш саҳасида энг кўп тарқалгани. Сўров иштирокчиларининг қайд этишича, мулкчилик шаклидан қатъий назар, ташкилот ва идоралар, фирмалар ва корхоналар раҳбарларига амалда кадрларни танлаш, бўшатиш, ишга қабул қилиш масалаларида чекланмаган ваколатлар берилган, субъектив ёндашув ва коррупция ҳолатлари бўлиши мумкин, булар ишга кирувчи шахслардан моддий фойда олишда ифодаланиши[3]ни кўрсатиб ўтилган.

Таҳлилларлар шуни кўрсатадики, давлат органи мансабдор шахслари томонидан содир этиб келинаётган коррупциявий жиноятлар оқибатида, салбий ҳуққ – атвор нормалари шаклланигидан далолат берилмоқда

Президент Шавкат Мирзиёевнинг «ички ишлар органлари ходимларини тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш тизимини тубдан қайта кўриб чиқиш ҳамда янада такомиллаштириш, улар томонидан ҳуқуқбузарликлар содир этилишига олиб келаётган сабаб ва шарт-шароитларни бартараф этиш» борасида ички ишлар органлари зиммасига юклатилган

вазифаларнинг ижросини самарали таъминлашга хизмат қилади. Бу борада ходимларларга коррупция, унинг кўринишлари, ички ишлар органлари ходимлари томонидан содир этилаётган коррупцияга оид ҳуқуқбузарликларнинг ижтимоий салбий оқибатлари, коррупцияга оид ҳуқуқбузарликлар профилактикаси ҳақида маълумотлар бериб, уларда коррупцияга қарши ҳуқуқ-атвор ҳамда билим ва кўникмаларни шакллантиради.

Давлат органларига ишга қабул қилинаётган фуқароларнинг келгусида коррупция жиноятларига аралашиб қолмасликлари мақсадида, таклифлар ва муоммолаларни илгари суриш мақсадга мувофиқдир.

Ҳозирги кунда Ички ишлар органлари ходимларида коррупциявий хул – атвор шаклланишида қуйидаги салбий ҳолатларда намоён бўлмоқда;

биринчидан; ходим ички ишлар тизимига қабул қилинганидан сўнг унга яхши тажрибали мураббий ходим бириктирилмаганлиги;

иккинчидан; тизимга қабул қилинган ёш ходимда коррупциявий хулқ – атвор шаклланишида унинг салбий ҳатти-ҳаракатини назорати йўлга қўйилмаганлиги ва раҳбарларнинг сусткашлиги;

учинчидан; жамоада шаклланган коррупциявий ҳатти-ҳаракатлари таъсирига тушиб қолишлиги;

тўртинчидан: раҳбарларнинг ходимга нисбатан адолатсизлиги, ноқонуний буюруқбозлиги ва расмиятчилиги

бешинчидан; раҳбарларнинг манфатлари эвазига қўл остидаги ёш ходимлардан фойдаланиб келинаётганлиги;

олтинчидан; ходим томонидан ўзига бириктирилган маъмурий ҳудудда жиноят сони купайиб кетиши ва бунинг оқибатида интизомий жавобгарликдан кўрқишлиги шунингдек ушбу жиноятларни статистикадан яшириб келиш ҳолатлари кузатиб келинмоқда.

Ҳозирги кунда Ички ишлар органлари ходимларини хизматга қабул қилиш мақсадида қуйидаги таклифларни киритиш мақсадга мувофиқ:

а) номзодларни қабул қилиш жараёнида коррупциявий жиноятлар ҳақида тушунчаларга эга эканликлари ва бунинг оқибатлари юзасидан тест ёки ёзма иншо кўринишдаги сўровномалар ўтказиш;

б) номзодларни қабул қилиш вақтида унинг ҳужжатларини тўплаётган кадр ходимларининг номзодга қанчалик даражада яқин эканлигини аниқлашда бошқа соҳавий хизмат ходимларининг назорати ва маъсулиятини кучайтириш;

с) номзодлар Ички ишлар органларига нима мақсадида ишга кираётганликлари ва уларда ватанпарварлик руҳи мавжудлиги юзасидан психологий суҳбатлар олиб боришни ташкил этиш;

д) номзодлар тиббиёт муассасаларида тиббий кўрикдан ўтиш жараёнида соғликларида мавжуд касалликларни яшириш ва ошкор қилмаслик учун

шифокорларни кўндиришга қаратилган ҳатти-ҳаракатларини шунингдек ўзи ва тиббиёт ходими билан бўлаётган суҳбатларни кузатиш мақсадида шифохонанинг ҳар бир хонасига видео-камера воситаларини ўрнатиш зарур. Чуқи ишга қабул қилишда фонунийлик, адолатлилик, шафоқлик принципларига таянган ҳолда қонунбузарлик ва носоғлом муҳитни пайдо бўлишини олди олинган бўлар эди.

Ички ишлар органларига қабул қилинаётган номзодлар соғлиқларида ёки ҳужжатларида мавжуд бўлган камчиликларни яшириш эвазига бирон-бир моддий қимматликларни ходимга таклиф қиладиган бўлса, уларда олдиндан каррупциявий хул-атвор шаклланганлиги далолат беришлиги, шунингдек келгусида номзодлар ички ишлар органлари тизимига қабул қилунгудек бўлсалар, кейинчалик ҳам каррупциявий салбий иллатларни ёки жиноятларни давом эттиришлари мумкин. Ички ишлар органлари тизимига адашиб кириб қолган ходимларнинг коррупциявий қилмишлари оқибатида уларнинг аянчли ҳолга тушиб қолаётганликлари кузатиб турилмоқда.

Хулоса қилиб айтадиган бўлсак, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларнинг ходимлари, биринчи навбатда: ҳуқуқий тартиботни сақлашлари; иккинчидан: қонунни бузганларга нисбатан чора кўришлари лозим. Агар жиноятчиликка қарши кураш асосий вазифаси бўлган ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларнинг ходимлари қонунни бузиб турсалар, ўзларида каррупциявий хулқ-атвор шаклланибгина қолмай, жиноятчи шахслар билан ноқонуний алоқада бўлсалар, бошқалардан қонунларни бузмасликни талаб қилишга бундай ходимларнинг ҳақлари йўқ [4]деган фикрдамыз.

Фойдаланилган адабиётлар руйҳати:

1. Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлисга ва Ўзбекистон халқига мурожаатномаси. <https://kun.uz/news/2022/12/20/uzbekistonda-5-mingga-yaqin-mansabdor-korrupsiyaviy-jinoyatlar-boyicha-javobgarlikka-tortildi>.

2. Коррупцияга қарши курашиш буйича 2021-2022 йилларга мўлжалланган давлат дастурининг аҳамияти хақида. <https://qashqadaryo.mamuriy.sud.uz/>

3. Aholining 83 foizi O'zbekistonda korrupsiya bor deb hisoblaydi. <https://qalampir.uz/uz/news/a%D2%B3olining-83-foizi-uzbekistonda-korrupsiya-bor-deb-%D2%B3isoblaydi-37428>.

4. Қ.Абдурасулова юридик фанлар доктори, профессора. ИИБ Академияси. «Ички ишлар органларида коррупциянинг олдини олиш ва ходимларда коррупцияга қарши хулқ-атворни шакллантириш ўқув курсининг предмети, мақсади ва вазифалари» дарслиги.